




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ**

# Конституциямиз - бахтимиз қомуси



**НАМАНГАН – 2013**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб демократик ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Демократик давлат шароитида мамлакатнинг ривожланишини, унда яшовчи ҳар бир фуқаронинг тегишли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шу нуқтаи назардан баҳолаганда, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзида мамлакатимизнинг 20 йиллик мустақил ривожланишининг ҳуқуқий асосларини тамал тошларини белгилаб берди ва бугунги ижтимоий воқелигимиз ушбу эътирофимизнинг қанчалик ҳаққонийлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, республикаимизнинг Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган вақт давомидаги тараққиёти, мазкур Конституцияимизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканлигини тўла тасдиқлади. Агар демократик тараққиётимизни муайян босқичларида эришилган ижобий натижаларимизни муфассал таҳлил қиладиган бўлсак, бунга яна бир бор амин бўламиз.

Ушбу рисолада юртимизда барча қўлга киритган ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямиз асосида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда ўзгаришларни ёритишга ҳаракат қилинди. Рисола Олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежи талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилар, умуман шу соҳага қизиққан кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенат аъзosi, НамМПИ  
ректори, проф. П.Ж.Маткаримов**

**Ижодий гуруҳ:**

**доц. А.Ҳакимов,  
асс. Н.Қодиров  
асс. Х.Мирзахолов,  
Тошбулоқ педагогика коллежи  
ўқитувчиси М.Эшонқулова**

**Такризчилар:**

**проф. М.Х.Ҳожимирзаев (НамДУ)  
доц. Н.Шайдуллаев (НамМПИ)**

Ушбу рисола «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг 2012 йил декабрьдаги даги № -сонли йиғилиш баённомаси билан муҳокама қилинган ва институт илмий-услубий кенгашига тасдиқлаш учун тавсия қилган.

Рисола институт илмий – услубий кенгашининг 2012 йил декабрь № -сонли йиғилиш баённомаси билан муҳокама қилинган ва чоп этиш учун рухсат этилган. Т/р

## **ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР**

**Қадрли дўстлар!  
Мухтарам меҳмонлар!**

Аввало, Сиз азизлар билан мана шу гўзал ва муҳташам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чуқур ҳурматимни билдириш, сихат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги кутлуғ сана – халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улуғ айём билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади. Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифок таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012-йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2

фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя. Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустақамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, авваламбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётни мафкурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизида ётган – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз.

Бу – собиқ совет давридаги марказлашган режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустақамлаш демакдир.

Бу – айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф – яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий кадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш – бу бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа эмас,

балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узоқ ва узлуксиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.

Шу маънода, 2010 йил ноябр ойида қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантикий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўплаган оз бўлса-да, лекин ғоят mazmunли тажрибамиз бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, фақат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизида чуқур асосланган сиёсий йўл ва ислохотларни изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислохотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислохотларни қандайдир ҳавойи мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент – Давлат бошлиғи билан Қонун чиқарувчи ва Ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб Конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош Вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга – Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”, “Жамоат назорати тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида” ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошкоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги тахрирда амал қилаётган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар ва улар асосида имзоланган “Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибadorлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни яқунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташқи ва жаҳон бозорларида глобал инкироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Қадрли дўстлар!**

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу — ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболаға бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мероси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, кадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқмиз.

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини ҳолисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда. Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

### **Ҳурматли дўстлар!**

Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга

келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, хали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда. Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиш хавфи, мурасасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. АЙСЕФ деб аталмиш коалицион кўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин кўшни Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги кўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршилиқнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант – бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга кўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида мурасага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианти йўқ. Ўзбекистон ўзининг кўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади.

Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябр ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва

Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантикий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

### **Ҳурматли дўстлар!**

2012-йилга мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқали ҳаёт абадийлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишларини мужассам этадиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олижаноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самараси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, рухсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ

қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013-йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади. Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебел, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга киймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қишки кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами

уларга совға тариқасида берилгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа – аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий кадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди. Аёлларимиз, опасингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари кўрилмаган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди. Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўғаракларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда. Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидаги ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди. “Электрон таълим” лойиҳаси доирасида олий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

“Мустаҳкам оила йили” дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз. Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган “Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айниқса эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, “Мустаҳкам оила йили” жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболи ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий “Бунёдкор” спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоён этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугунги кунда ўзининг амалий самараси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси – ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё қитъасининг манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин курашларда ғалаба қозонгани, келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мухлисларини, ўйлайманки, бутун халқимизнинг кўнгиллини кўтариб, ғурур ва ифтихор етказди десам адашмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчиларимизга, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариб келаётган барча спортчиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга бахт ва омад тилашга рухсат бергайсиз.

### **Мухтарам ватандошлар!**

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта рақамга қаратишни жоиз деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқаро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, эзгу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, “Мустаҳкам оила йили” ўзининг туб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чуқур из қолдиради, десам, сиз азизлар шу фикрга қўшиласиз, албатта.

### **Қадрли юртдошлар!**

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, бу ғояни мутлақ кўпчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Лўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш негизда авваламбор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш – айтиш шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиладди.

Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз негизда авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айтиш шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини

сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

**Иккинчидан,** обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваламбор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барақа, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг “Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик” деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

**Учинчидан,** обод турмушнинг яна бир муҳим шarti – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога кўл очар экан, аввало, “Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин”, деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт

ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

**Тўртинчидан,** халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

**Бешинчидан,** биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti – бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Олтинчидан,** ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Албатта, 2013 йилда ўз олдимизга мана шундай катта вазифаларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади деб ишонаман.

### **Азизларим, кадрдонларим!**

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# КОНСТИТУЦИЯ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, мустақил демократик давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шарти давлат ва жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқаролари эркинликларини ҳимоя қиладиган, халқнинг муайян тарихий тажрибаси ва қабул қилинган халқаро меъёрларига жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш ғояси “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши муносабати билан илгари сурилган эди. Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси (1990 йил июн) Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузди. Конституциявий комиссия деярли 2,5 йил давомида Конституция лойиҳасини тайёрлаш устида ишлади. Аجدодларимизнинг давлатчилик қурилиши, уни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари, халқаро ҳуқуқий ва сиёсий тафаккур, жаҳондаги етакчи давлатларнинг конституциявийлик тажрибаси асосида Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа 1992 йил сентябрида матбуотда эълон қилинди ва уч ой давомида умумхалқ муҳокамасида бўлди. Халқ томонидан олти мингдан ортиқ таклиф, мулоҳазалар билдирилди. Республика Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун 8 декабр умумхалқ байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Шу маънода, 1992 йил декабр ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади.

*И.А.Каримов*

### **асосий принциплари**

- Давлат суверенитети
- Халқ ҳокимиятчилиги
- Фуқаро эркинликлари ва ҳуқуқларининг дахлсиз ва устуворлиги
- Демократизм
- Давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги
- Қонунийлик
- Конституциянинг устунлиги
- Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига

бўлиниши

- Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш
- Суд идоралари тузилиши ва судлов

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 2003, 2007, 2009 йиллари қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгаришлар миллий қонунчилигимиздаги такомиллашиш ва ривожланишини ўзида ифода этади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларига киритилган ўзгартишлар эса, давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини янада такомиллаштиришга, хусусан, Олий Мажлис палаталари ваколатларини кенгайтиришга, Бош вазирнинг умуман, Ҳукуматнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришга, шу орқали давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган.

Конституциямизнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларини белгилайдиган 78-моддасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳақидаги нормалар киритилди. Бу ўзгартиш Бош вазирнинг масъулиятини ошириб, парламентнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

80-моддада эса, Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Президент фармонини тасдиқлашни Сенат ваколатига ўтказилиши ушбу фаолиятни самардорлигини оширишга, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш каби қўшимча ваколатга эга бўлади.

93-моддага киритилган ўзгартишлар давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлайди.

98-моддасига киритилаётган қўшимчаларга биноан Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Бош вазир номзодининг депутатлар, яъни халқ вакиллари томонидан таклиф этилиши, фуқароларнинг бевосита давлат бошқаруви жараёнида фаол иштирокини таъминлайди. Бу эса мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг янги сифат босқичига кўтарилганлигидан далолат беради.

Тақомиллашиш мавжуд жойда албатта ривожланиш бўлади. Қонунларимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юртимизда амалга оширилаётган ва тараққиётимиз ривожини учун хизмат қилаётган ислохотларнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING ЯРАТИЛИШИ**

**1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти**

**2. Ўзбекистонда конституциявий ислохотнинг ўзига хос хусусиятлари ва босқичлари**

**3. Конституциянинг тузилиши**

**4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш тартиби**

## **1.Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иттифокдаги вазиятни олдиндан кўра билганлиги ва унга тўғри баҳо бера олганлиги, шунда кўринадикки, СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан бўлиб у 1990 йил 20 июнда "Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилди. Ўша даврда Иттифокни тиш-тирноғи билан сақлаб қолишга интилаётган қора кучлар миллий низоларни авж олдириш учун барча имкониятларини ишга солган. Бунинг мисоли сифатида Фарғона билан Ошдаги воқеаларни келтиришимиз мумкин. Ўзбекистонни Мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тинчликсевар мамлакатлар томонидан тан олиниб қўллаб-қувватланганлиги Ўзбекистоннинг тинч йўл билан ўз ҳуқуқини мустақкамлаб олишида жуда катта ёрдам берди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишида, аввало, 1990 йил 24 март куни Собиқ Иттифок республикалари ичида биринчи бўлиб Президентлик лавозимининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимининг жорий этилиши мустақиллик ғояларини тезкорлик билан амалга ошиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1990 йил 20 июнда Олий Кенгаш йиғилиши чақирилиб, "Мустақиллик Декларация"си қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у ўзбек давлатчилиги тарихидаги биринчи тинч йўл билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат эди. Унга кўра, ўзбек халқи давлат бошқарувида ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб ўз зиммасига олган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланиб ўзининг "Мустақиллик Декларация"сини эълон қилди. Ва бундан буён Ўзбекистон ўзининг ташқи муносабатларида, давлат ҳокимияти масалаларини ҳал этишда

танҳо ҳокимлигини, унинг чегаралари ва ҳудуди дахлсиз эканлиги, ўз тараққиёт йўлини, ўз номини, давлат рамзларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этиши ва демократик ҳуқуқий давлат ташкил топганлигини бутун дунёга маълум қилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий янгиланиш истиқболлари режаларини белгилаб берди. Батамом мустақилликни қўлга киритиш учун маълум бир вақт талаб қилинар эди. Чунки Собиқ Иттифоқ марказида бунга қарши жуда катта кучлар тайёр бўлиб турар эди. Мана шундай оғир бир вазиятда: "тақдир И.А.Каримов зиммасига жамиятнинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат ҳуқуқи масалаларини ҳал қилишга даъват этилган, унинг қайта ўзгартирувчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Шундай вазиятда ҳам И.А.Каримов ўзини буюк раҳбар сифатида кўрсатди."<sup>1</sup>

Давлат ва жамият ҳаётидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш кечиктириб бўлмас аҳамиятга эга эди. Чунки ўша вақтларда СССРнинг тақдири ҳал бўлаётган эди. "марказ" раҳбарлари халқни ҳар хил сиёсий йўллар ва куч билан кўрқитиб, Иттифоқни сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иттифоқдаги вазиятни олдиндан кўра билганлиги ва унга тўғри баҳо бера олганлиги, шунда кўринадик, СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан бўлиб у 1990 йил 20 июнда "Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилинди.

Шунга қарамасдан 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси чақирилиб, "Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти"и эълон қилинди: "Ўтмишдан сабоқ чиқариб Иттифоқнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш

---

<sup>1</sup> Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси.- Т.: "Адолат", 1994, 12-бет

ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасида чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатни баён этиб, миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бири кишининг муносиб ҳаёт кечиришини шаъни ва кадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб, "Мустақиллик Декларация"сини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди".<sup>1</sup>

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик Декларацияси"га ва "Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти"га асосланиб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилди. Ушбу қонун Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганлигини узил-кесил мустаҳкамлади. Унда, жумладан "Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил демократик давлатдир" дейилади. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси халқининг сеवरенлиги, давлат ҳокимияти унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ вакиллик органлари тизими орқали амалга оширилиши, ҳудуди ва чегаралари дахлсиз ва бўлинмаслиги, у Ўзбекистон халқининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги принциплари мустаҳкамланди. Шунингдек, давлат ҳокимияти идораларининг тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тартибига асосланиши белгилаб берилди. Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва муқобил хизматни ташкил этиш мустақил давлатнинг асосий белгиси сифатидаги ҳуқуқи эканлиги кўрсатилди. Унинг ҳудудидаги барча моддий ва маънавий бойликлар умуммиллий бойлик

---

<sup>1</sup> Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти. Халқ сўзи, 1991 йил 2 сентябр.

эканлиги, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа ноишлаб чиқариш фондлари, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари республика мулкидир, деб мустахкамланди. Дастлабки бозор муносабатларини ривожлантиришда мулк шакллари бундан буён тўлиқ такомиллаштирилиши ва бунинг тегишли қонунлар асосида кафолатланиши белгилаб берилди. Чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари, мухтор вакиллар билан айрибошлаш, халқаро шартномалар тузиш, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш унинг ажралмас ҳуқуқидир деб кўрсатилди. Шулар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, инсон кадр-қиммати улуғланишини доимо назарда тутишини, ўз тараққиёт йўлини, ўз давлат рамзлари ва давлат тилини ўзи белгилашини деб эълон қилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди. Шулардан бири жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, янги тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлди... Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишини тақозо этган иккинчи омил бўлди."<sup>1</sup>

Республиканинг янги Конституциясини ишлаб-чиқиш зурурлиги тўғрисидаги ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартида бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ янграган эди. Олий Кенгашнинг 1990 йил июнда бўлиб ўтган иккинчи сессияси республика Президенти И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссиясини ташкил этди. Комиссия таркибига вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат идоралари раҳбарлари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди. Комиссия аъзоси бўлган академик

---

<sup>1</sup> Ш.З.Ўразаев Ш.Х. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.: "Адолат", 1994, 7-бет.

Ш.З.Ўразаевнинг "Мустақил Ўзбекистон Конституцияси" номли рисоласида қуйидагилар баён қилинган:

...Шундай қилиб, Президент И.А.Каримовнинг зиммасида иккита энг муҳим муаммони ҳал этиш вазифаси турган эди. Бу-республиканинг давлат мустақиллигини таъминлаш ва унинг Конституциясини қабул қилишдир. Мазкур вазифалар кечиктириб бўлмас, биринчи даражали мазмун касб этиб турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни сусайтирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим эди.

1991 йил 12 апрелда И.А.Каримов бошчилигида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга тайёргарлик соҳасидаги бутун ишни марказлаштириб туриш мақсадида Конституция комиссияси аъзоларидан ҳамда таниқли олимлар ва мутахиссислардан 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Олий Кенгашнинг қатор кўмиталарининг, вазирликлар, прокуратура, суд органларининг раҳбарлари, олимлар, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирдилар.

Конституция комиссиясининг раиси ишчи гуруҳи олдида аниқ вазифа қўйди: жаҳон тажрибаси ўрганилсин, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари асосида тушунарли сиёсий ва юридик ҳужжат яратилсин.

Конституция бу маҳобатли асар, бутун қонунчиликнинг умуртқа поғанаси. Қандай бўлиши лозимлигини олдиндан билмай туриб, унинг Конституция комиссиясининг топшириғига биноан, ишчи гуруҳи, энг аввало бўлажак Конституциянинг концепциясини ишлаб чиқишга киришди. Учта концепция тайёрланди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси (у Фанлар академияси раёсати томонидан муҳокама қилинди ва тасдиқланди). Сиёсатшунослик институти концепцияси ва Президент девонининг давлат шўъбаси тайёрлаган концепция. Ишчи комиссиясининг бир гуруҳ аъзolari бу концепцияларнинг ғояларини умумлаштириб, улардан битта асос ишлаб

чикдилар. Сўнгра Конституция комиссияси раиси томонидан тасдиқланган ана шу концепция асосида иш бошлаб юборилди.

Лойиҳанинг 158 моддадан иборат дастлабки варианты 1991 йил ноябргача тайёрлаб берилди. И.А.Каримов бу лойиҳа билан танишиб чиқиб, кам иш қилинганлиги тўғрисида гапирди ва йўлланма бериб, бўлғуси лойиҳанинг шакл-тамойилларига ойдинлик киритиб берди.

Лойиҳанинг иккинчи ишчи варианты 149-моддадан иборат бўлди. Республика Президенти яна қўлига қалам олиб, матнни яхшилаб кўриб чиқди. Шу тариқа Конституция комиссия раисининг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа лўнда ва ифодали бўлиб борди.

Учинчи қилинган вариант 137-моддани ташкил қилар эди. Матбуотда эълон қилиниши олдидан яна бир бор диққат билан ўрганилиб, 127-моддадан иборат тартибда, мазмундор қилиб тузилди. Конституция комиссиясининг қарори билан лойиҳа 1992 йил 26- сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси барча меҳнат жамоаларида, корхоналар, ўқув юртларида, идоралар ва вазирликларда, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишларида, матбуотда, телевидение ва радиода, халқ демократик партиясининг Марказий Кенгашлари ва маҳаллий ташкилотларда, касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотларида, ижодий уюшмаларда, олимларнинг бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди.

Конституция комиссиясига келган фикрлар, таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани давом эттириш учун 1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Республика фуқаролари лойиҳага киритилган ўзгартиришлар ва аниқликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади"<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси матбуотда икки марта эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Бунинг якунлари бўйича комиссия яна бир бор лойиҳани кўриб чиқиб Олий Кенгаш сессиясида кўриб чиқишга тавсия этди. Лойиҳа Олий Кенгашнинг сессиясида моддама-модда муҳокама қилиниб узоқ тортишувлар, хилма-хил фикрлар билдирилган ҳолда қабул қилинди.

«Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».<sup>2</sup>

Асосий қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки, бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни ўзининг тузилиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон тарихида амал қилиб келган

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов: Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: «Ўзбекистон» 1992, 36-37 бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А: «Биздан озод ва обод Ватан қолсин»..Т.: «Ўзбекистон», 1996, 93-бет

<sup>3</sup> Каримов И.А: Шу асаридан 93-бет.

Конституциялардан тубдан фарқ қилади. 1990 йил 20 июнда ҳали Собик Иттифоқи мавжуд бўлган даврда, Ўзбекистон ўз Мустақиллигини дунёга маълум қилиб, Конституциявий ислохотларни бошлаб юборган эди. 1978 йилги ЎзССР Конституциясига кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Чунки, бу қонун замон талабларига жавоб бермай қолган эди Республиканинг янгича яшашга бўлган хоҳишини бўғиб, турар эди. Ўта мафкуралашган бу Конституцияга вақтинча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, янги Асосий қонун лойиҳасини яратишга киришилди. Бу жараён яъни унинг лойиҳаси устида икки йил давомида ишладик, деган, эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: "У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди»<sup>1</sup>

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиёёёё XI сессиясида қабул қилинган Конституцияси мустақил Ўзбекистон демократик суверен давлатининг биринчи Конституцияси бўлди, мустақил давлат омилларида келиб чиқиб яратилганлиги бу Конституциянинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш лозим. Дастлабки, моддасидан тортиб то охириги 128 моддасигача у мустақиллик ғояси билан суғорилган.<sup>2</sup>

«Биз сўнгги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик, мамлакатнинг ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар». Собик тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади»<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусиятларини, у тартибга соладиган муҳим йўналишлари бўйича ўрганишимиз мумкин. Бизга

<sup>1</sup> Каримов И.А.: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т.: «Ўзбекистон» 1992, 37-бет.

<sup>2</sup> Ўразаев Ш.З.: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси» Т.: «Адолат» 1994, 32-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А.: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т.: «Ўзбекистон» 1992, 38-бет.

маълумки, ҳар қандай давлат ўзида ўрнатилган тартиб-қоидаларни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалар билан белгилаб ўз ҳокимиятини амалга оширади. Шунинг учун ҳам унинг Асосий қонун сифатида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалари, миллийлик руҳи билан суғорилиб яратилди:

*Сиёсий йўналиши;* Ўзбекистоннинг мустақил демократик республика эканлиги, ҳокимиятни амалга оширишда, халқнинг яккаҳокимлиги таъмиланганлиги, унинг ҳудудида бирорта қоида унинг розилигисиз ўрнатилмаслиги, ўзга давлатлар билан халқаро ҳуқуқ нормалари асосида муносабат юритиши белгиланган:

*Ижтимоий муносабатларда;* ҳамма демократик давлатлар ҳисобланган, эркин миллатлар жамиятларида бўлгани каби, ўзбеклар юртида ҳам бундай жамиятни тузилиши, умуинсоний қадриятлар миллатларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ўзининг ҳар бир фуқароси учун хизмат қилиши, шахс-давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланади.

*Иқтисодий йўналишида;* давлатнинг ишлаб чиқиш қуроллари ва унинг неъматлари қай асосларда яратилиши, тақсимланиши, мулк шакллари, эгалик қилишнинг турлари мужассамлашган. Шунингдек уни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий қафолатлари белгиланган.

*Маънавий камол топишида;* давлат ҳокимиятини амалга оширишда унинг келиб чиқиши, миллийлиги, анъаналарига қатъий риоя этилиши таъминланади, тарихий давлат бошқарувига, ўтган улуғ ота-боболар руҳиятига таянган ҳолда, инсон учун энг муҳим бўлган эркинлик ғояларини улуғлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мана шу юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга асосланганлиги, унинг келажак авлодлар учун умрбод хизмат қилишини мустаҳкамлади.

Давлатимизнинг виждони ҳисобланган бу ҳужжат, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари асосида яратилган, унда сунъийлик йўқ, бу унинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Яна бир муҳим хусусияти, бошқа бир давлат

тузумига ўтишга йўл қўймайди. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимоли бўлган барча масалаларни жой-жойига қўйиб берди.»<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7, 10, 12, 29, 31, 57, 61-моддаларида Конституциявий тузумни, ўзбекларнинг давлатини ҳар қандай йўллар билан ўзгартириш мумкин эмаслиги, фақат халқининг хоҳиши ва иродаси билан ҳар қандай давлат бошқарувини ўрнатиш мумкин эканлиги белгиланган.

Масалан: Конституциянинг 7-моддасида шундай дейилади: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.» Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги, мувозий таркибларини тузиш Конституцияга ҳилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилиши (референдумда) мустаҳкамланган.<sup>2</sup>

Конституциявий тузум-инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Конституцияси унинг халқи эришган ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўз хоҳиш истакларини қонуний тартибда расмийлаштириб, мустаҳкамлади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун эълон қилинган кундан бошлаб то янги Конституция қабул қилингунга қадар 15 ой вақт ўтди, ана шу давр ичида давлат бошқарувини қайта ташкил этишда ғоят катта амалий ишлар тажрибаси

<sup>1</sup> Ўразаев Ш.З: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», Т.: «Адолат», 1994, 36-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси: Т.: «Ўзбекистон» 2003й.

<sup>3</sup> Ўразаев Ш.З: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», Т.: «Адолат» 1994, 36-бет.

тўпланди. Унда яшовчи халқларнинг янгича яшашга ва ўз давлат тузумини барпо қилишга бўлган интилишлари ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришнинг энг муҳим кафолати эканлиги унда мустаҳкамлаб қўйилди. Шу давр мобайнида демократик ижтимоий ва давлат тузумининг асослари, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва идора органларининг тизими таркиб топди, умуминсоний демократия принциплари ўрнатилди. Ўзбекистон Конституциясининг асосий принциплари маромига етказилди. Бу принциплар халқ оммасининг ҳам мамлакат ичида, ҳам бутун жаҳонда мустақиллик учун олиб борган курашлари натижасини ўзида мужассамлаштирди. Шу тариқа, мустақил Ўзбекистоннинг конституциявий тузumi асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти принципларини ва бошқа ижтимоий муносабатларни белгилаб берадиган Конституция қабул қилиш зарурияти пайдо бўлди.

### **3.Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тузилиши**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Ўз ички тузилиши билан Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Асосий Қонун Муқаддимаси жуда қисқа ва кўтаринки руҳда ёзилган. Унинг моҳияти Конституцияни халқ, яъни давлатнинг ҳақиқий соҳиби қабул қилганлигида ва унда ўз иродасини ифода этганлигидадир.

Конституциянинг асосий мантиқий йўналиши қуйидагича: **инсон - жамият-давлат**. Биринчи бўлимда мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсатимиз тамойиллари киради.

Биринчи бўлим конституциявий тузумнинг асосий принциплари йиғиндисидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги

Ўзбек хартасидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг яхлит ва кенг тизимидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлимнинг давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимларидан олдин берилганлиги ҳам маълум бир мантиққа асослангандир. Ҳуқуқларни инсонга давлат инъом қилмайди, балки фуқаро ўзига берилган ажралмас табиий ҳуқуқлар мажмуидан онгли равишда ва маъсулиятни ҳис этган ҳолда фойдаланади. "Жамият ва шахс" деб номланган учинчи бўлим одатдагидек эмас, жаҳоннинг биронта Конституциясида бундай бўлим йўқ. Бу бўлимнинг асосий мақсади, фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлашдан иборат.

Бу бўлимни конституцияга киритилишининг сабаби нима?

**Биринчидан,** совет тузуми ҳукмронлик қилган йилларда ўта давлатлаштириш сиёсатининг натижаси ўлароқ, жамиятнинг барча жабҳалари давлат назорати остида эди. Айни вақтда давлат тушунчаси жамият тушунчасидан тор бўлиб, жамиятнинг бир таркибий қисмидир, холос.

**Иккинчидан,** жамият институтлари билан давлатнинг ўзаро муносабатлари авваламбор Конституция даражасида белгиланмоғи даркор.

**Учинчидан,** давлат таркибига кирмаган жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари ўзининг конституциявий мақомини топган.

Конституциянинг тўртинчи бўлими маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган. Ўзбекистон вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалардан иборат маъмурий-ҳудудий тузилишига эгадир. Республика таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради. Бу суверен давлатнинг конституциявий мақомига ва Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларига махсус 17-боб бағишланган.

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, унда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари конституциявий мақоми муайян тартибда мустаҳкамланган.

Давлатимизнинг марказий идоралари Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Хўжалик Судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва муҳофаа масалалари ҳам конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Сўнгги, олтинчи бўлим Конституцияни ўзгартириш муаммосига бағишланган бўлиб, ҳуқуқий нуқтаи назардан Асосий Қонуннинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши унинг: **биринчидан**, фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий

тотувликка;

**иккинчидан**, шахс эркинлигига ва сайлов эркинлигига;

**учинчидан**, сиёсий барқарорликка;

**тўртинчидан**, фаровонлик ва иқтисодий ўсишга;

**бешинчидан**, давлатнинг одамлар олдидаги ўз бурчини бажаришига эришишга қаратилган.

#### **4.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби**

Конституциянинг давлатдаги Асосий қонун сифатида эътироф этилиши дунёда унинг аҳамияти ва мавқеининг ошиб бориши билан уйғунлашиб, Конституциявийчилик ғоясини ривожлантиришда муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимиз тарихида бир нечта Конституциялар қабул қилинган бўлиб, уларнинг мазмун ва моҳияти ўша давр шарт-шароитлари билан ўлчанади.

Конституция ва қонунларнинг қабул қилиниши ва ўзгартирилиши жараёнларида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бизнинг ҳудудимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг таклиф мулоҳазалари билан иштирок этишлари мумкин.

Шунингдек, дунё мамлакатларининг ҳаётий тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституциялар турли хил усуллар асосида қабул қилиниши мумкин:

**биринчидан**, Конституция ҳокимиятнинг Олий органи томонидан ишлаб чиқилади ва халқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг қабул қилинади (Ўзбекистонда Олий Мажлис, Украинада Олий Рада, АҚШда Конгресс палаталари томонидан қабул қилинади);

**иккинчидан**, Конституция махсус таъсис этилган давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. (Хитой, Мозамбик, Вьетнам ва Грузияда алоҳида таъсис этилган Конституцион йиғилиш томонидан);

**учинчидан**, Референдум йўли билан бевосита халқ томонидан қабул қилинади (Франция, Белорусия, Алжир, Швецария ва Филиппинда).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, халқ манфаатларига мувофиқ тарзда янги демократик давлатнинг вужудга келиши натижасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган. Агар унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилса, бу масала кенг жамоатчиликнинг фикрига таянган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳақда Конституциянинг ўзида аниқ меъёрлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин 6 ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутат лари ва Сенат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёни Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади (127-модда).

Конституциянинг айрим меъёрларини кўриб чиқишга мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг чуқурлашиш ёки давлат ҳокимияти олий органлари тузилишини янада такомиллаштириш зарурияти сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизими ва фаолиятининг доимо такомиллаштириб бориши, давлатимиз сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. 2000 йил 25 май куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, иккинчи сессиясида: "Мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман яъни, биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб, ташкил этишимиз лозим. Бунда қуйи палата – Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йиғилишлари унга ўз вакилларини ўтказди, улар парламентда доимий равишда ишлайди. Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади. Мисол учун Қашқадарё вилоят кенгашига сайланган депутатлар шаҳар ва туманларда сайланган ноиблар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишларда ана шу кенгашларнинг олти-етти нафар энг ишончли вакили мамлакат парламентининг юқори палатасига сайланади. Улар юқори палатада шу вилоятнинг манфаатларини ҳимоя қилади" деб таъкидлади. Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси қуйи палата тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларининг қарорларини қабул қилишлиги, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқининг манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши зарурлиги ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг бу таклиф юзасидан, депутатларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилиб, 2001 йил 6 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг иккинчи чақириқ, еттинчи сессиясида депутатлар бир овоздан Ўзбекистон халқининг фикрини аниқлаш мақсадида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, 2002 йил 27-январ кунини умумхалқ референдуми куни деб эълон қилди. Референдумда овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди;<sup>1</sup>

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламентини икки палатали қилиб, сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб, ўзгартиришга розимисиз?

Ўзбекистон халқи, Олий Мажлис ва Президент фаолиятини такомиллаштиришни бир овоздан тасдиқлади. Эндиги вазифа Ўзбекистон халқининг ҳоҳишини 2004 йилга қадар тадбиқ этилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

Ҳозирги кунларда бу масаланинг ҳамма учун маъқул бўлган ечимини топиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарлигида жуда кўп илмий-ўқув муасасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари бош қотирмоқдалар. Ҳар бири ўз салоҳиятидан келиб чиқиб миллийлигимизга мос бўлган референдум натижалари талабаларини ҳал этиш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги саккизинчи сессиясида бу масаланинг ҳал этилишини дастлабки, муҳокамаси бўлиб: 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни қабул қилинди.

Бизга маълумки, 1993 йил 28 декабрда биринчи бор Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимча киритилган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида шундай дейилган эди: "Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> "Халқ сўзи" 2001, 7 декабр

Республикаси Конституцияси 77-модда 1-қисмидаги “150 нафар депутатдан” деган сўзлар “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилсин”<sup>1</sup>

Юқоридаги Конституциявий қонун асосида 2003 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси деб номланган XVIII боби илгари бир палатали парламентга бағишланган бўлса эндиликда мазкур бобда икки палатали парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенати (юқори палата) га бағишланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-моддасида илгари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” деб номланган қоида мавжуд эди. 2003 йил 24 апрелда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг ҳозирда мазкур 76-моддада қуйидагича қоида мавжуд: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати-беш йил ”.

Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти боби яъни XIX бобига ҳам ўзгартириш киритилди. Хусусан, илгари Конституциямизнинг 89-моддасида қуйидаги норма мавжуд эди: “Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994. №1, 5-модда

Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.”.

2003 йил 24 апрелда мазкур моддага ўзгартириш киритилиб, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” қондаси чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Сенатга ўтказилди. 93-модда 6-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этади;

93-модда 23-бандига кўра эса, “амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади”. Илгари Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ва амнистия тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиш бевосита Президент ваколатига киритилган эди.

Конституциямизнинг Вазирлар Маҳкамаси яъни XX бобига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга тўхталадиган бўлсак, илгари 98-моддада кўра, “Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади” деган қонда мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда 98-модда иккинчи қисмида “Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади” деган қонда мавжуд.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатлари кенгайтирилиб, 98-модда 5-қисмига “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли” деган қоида киритилди.

Шунингдек, мазкур киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирига Ўзбекистон Республикаси Президентига Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш учун тақдим қилиш ваколати берилди.

Конституциямизнинг сайлов тизими деб номланадиган XXIII бобига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Илгари 117-модда 2-қисмида “Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар” деган қоида мавжуд эди.

Ҳозирда 117-модда 2-қисмида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига,

вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда-декабрь оyi учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳукуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишинча қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар” деган қоида мавжуд.

Шунингдек, 2003-йил 24-апрелда Конституциямизнинг Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби 6-бўлимига ҳам ўзгартириш киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки 127-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади” деб белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур моддасига киритилган тузатиш ва қўшимчалардан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади“ деб ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи асосида, давлат органлари тизими ва уларнинг ташкил этилиш тамойиллари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси Палаталари ваколатлари мажбуриятлари, вазифаларини ва бунинг баробарида

бошқа давлат органлари тизимидаги фаолият йўналишларини ўзида белгилаб берган алоҳида конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ва ундан кейин Конституция ва тегишли қонунларни қабул қилиш ёки ўзгартириш, тузатишлар киритиш масалаларини ҳал этиш тартибининг белгиланганлиги, Олий Мажлис олдида турган мақсадни режа асосда мукамаллигини таъминланган ҳолда, амалга ошириш учун шароит яратиб беради. Шундай қилиб, Конституцияга ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш заруриятининг пайдо бўлиши давлат ва жамиятнинг ривожланишида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий ислохотларнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланади.

## **ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯНИНГ АСОСЧИСИ**

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти мамлакатни ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. **"Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ"**<sup>1</sup>, – деган эди юртбошимиз.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган "Мустақиллик декларацияси"нинг мамлакатимиз янги Конституциясини ишлаб

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 124-б.

чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида конституциявий комиссия тузган эди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда бир ярим йил мобайнида синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ундаги қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамлади. Конституция лойиҳаси ўзининг тузилиши билан Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислохотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди. Шунингдек унинг зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди. Айни пайтда мазкур вазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан барабар бажарилди.

Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши – оламшумул воқеа, Президент И.А.Каримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган фаолиятнинг энг катта ғалабаси бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантиқий изчил, мукаммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан республикамизнинг ўзига хос

жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Осиё, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди. У инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди<sup>1</sup>.

Конституциявий комиссиянинг аъзоси академик Ш. З. Ўразаев шундай сўзларни ёзган: «Президентимиз шунда ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз қўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди. Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди.»<sup>2</sup>

Юртбошимиз киритган аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди. Улар давлат раҳбари ижодий тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг сиёсий донолигидан, ҳуқуқ соҳасини чуқур билишидан яққол далолат берарди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. – Т.: Билим, 1992.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўразаев Ш. З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 1992. 26 декабря.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунича эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чикди.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан етти марта текшириб чиқилгандан кейингина, республикамиз Олий Кенгашининг сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссия раисининг қаттиқ туриб ҳимоя қилган нуқтаи назари кўп ойлик изланишларнинг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган тажриба билан тасдиқланган натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди. У шундай деб ёзган эди: **"Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўллари очиқ беради"**<sup>2</sup>. Ушбу асар Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996.–85-бет.

Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз Конституция лойиҳасига ўзининг меҳнати билан қандай ҳисса қўшганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Айнан унинг ҳаракатлари билан кўпгина моддалар янада сайқал топди, ифодаланган қоидалар эса аниқ, равшан ва тушунарли бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси тушган таклифларни инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этирилди.

Шундай қилиб, ҳукуқий прецедент — икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шунда эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантыда Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра

олдилар. Янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Одамлар Конституциявий комиссия уларнинг овозини эшитганлигига, таклифларининг тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

И.А.Каримов сессияда Конституцияни **"халқчил қомус"** деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади<sup>1</sup>.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам Конституция лойиҳасига бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И.А.Каримовнинг "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули..."<sup>2</sup> эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. 124-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 93-бет.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н. Мишин шундай ёзади: «Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумхалқ эътирофи этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустақам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафкурасининг тамал тошидир.

"Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарсаси мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шакллари ва хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва қўллаб-қувватлаётган демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрчиликлар" барҳам топтирилган"<sup>2</sup>.

Америкалик профессор Дональд С. Карлайлнинг "Ўзбекистон ва Ўрта Осиё: истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун" китобида "Каримов

---

<sup>1</sup> Мишин Н. Взгляд из Москвы. Ислам Каримов – первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. – М.: Палей, 1996. – С. 19–20.

<sup>2</sup> Қаранг: Ислам Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 89–90-б.

Конституцияси" деб номланган бўлим бор"<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам Президент И. А. Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомчиси ва асосий муаллифидир.

Конституциянинг 93-моддаси 1-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг кафили ҳисобланади. "Конституциянинг кафили" тушунчаси, кўплаб Европа мамлакатлари ва АҚШ конституцияларида қўлланилмаганидек, илгари амалда бўлган совет конституцияларида ҳам ишлатилмаган эди.

Нима учун мамлакатимиз Конституциясида айнан Президент Конституциянинг кафили сифатида белгилаб қўйилган?

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни фақат унинг кафилинигина эмас, балки конституциявий нормаларнинг кафолатланиш даражаси ва шакллари ҳам белгилаб берди.

Президент Конституциянинг кафили сифатида белгилаб қўйилар экан, Конституция Президентлик институтининг бутун давлат тизимини муҳофаза қилувчи ролини тавсифлайди.

Конституциянинг кафили функцияси Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги алоҳида ўрнини таъкидлайди ва кўп қирралидир. Конституцияни кафолатлар экан, Президент унинг нормаларига барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар риоя қилишларини талаб қилиши мумкин ва шарт.

Президент Конституциянинг кафили сифатида унга риоя қилинишининг эталони ҳисобланади ва шу нуқтаи назардан ўзи раҳбарлик қилаётган органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига баҳо беради. У Конституциянинг кафили сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, унинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришларини ва мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш,

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. 90-б.

конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча шароитларни яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўради.

Конституциядан келиб чиққан ҳолда, И.А.Каримов ўзининг фундаментал асарларида Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Конституцияни кафолатлар экан, давлат раҳбари бевосита ҳамда давлат органлари орқали ҳаракат қилади. Конституциянинг кафили сифатида Президент умуман Конституцияни ҳимоя қилиш механизми таъсирининг самарадорлиги учун шахсан жавобгарлик намуналарини кўрсатмоқда. У давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бутун мамлакат ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва қатъий конституциявий тартибни кафолатлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарар экан, халқ ишончини муносиб оқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони Конституцияни кафолатлаш ва бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Шундай қилиб, И. А. Каримовнинг Конституция ҳақидаги фикрлари, таъкидлари ва хулосалари рўй бераётган конституциявий жараёнларни, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини, унинг ҳозирги ҳолатини ва истиқболларини, бой имкониятларини ўрганиш, чуқур таҳлил ва синтез қилиш натижаларига асосланган<sup>1</sup>.

Юртбошимизнинг Конституция ҳақидаги ғоялари конституциявий назария, жаҳон конституциячилиги тажрибаси ва конституциявий нормаларни жорий этиш амалиётининг уйғунлашиб кетганлигини намоён қилади.

---

<sup>1</sup> Ислон Каримов Конституция тўғрисида. Тошкент, 2000, 156 б.

## **ҲОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯ ХУСУСИДА.....**

***Жак Вилрокс,***

**Брюссель Эркин Университети профессори**

“Ўзбекистон бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, асосий қадрияти ва устуворлиги инсон бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Мамлакатнинг Конституцияси давлат тараққиёти ва демократик ривожланишининг гаровидир”.

***Пьер-Эммануэль Томанн,***

**Европа Халқаро муносабатлар институтининг Геосиёсат департаменти бош директори**

“Ўзбекистоннинг барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсати муҳим аҳамиятлидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингандан буён эришилган муваффақиятлар демократик жамият қурилишига йўналтирилган чуқур ўйланган давлат сиёсатининг натижасидир”.

***Хилбрен Иеда Бойс,***

**Бельгиялик эксперт, профессор**

“Илғор ҳорижий тажриба ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий ҳуқуқий мероси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон конституцияси

мамлакатга дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига имкон беради.

***Н. Мишин***

***Россиялик эксперт***

«Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумхалқ эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустахкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди».

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЧИЗМА-РАСМЛАР**



# Икки палатали парламент тузилиши



| 78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Шу кунгача бўлган ҳолат                                                                                                                                                      | Кирилган тегишли ўзгаришлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 78-модданинг 15-банди: 15)<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Президентининг тақдимига биноан<br>Ўзбекистон Республикаси Бош<br>вазирининг номзодини кўриб чиқиш ва<br>тасдиқлаш. | 78-модданинг 15-банди: 15)<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Президентининг тақдимига биноан<br>Ўзбекистон Республикаси Бош<br>вазирининг номзодини кўриб чиқиш ва<br>тасдиқлаш. Шунингдек, мамлакат<br>ижтимоий-иқтисодий<br>ривожланишининг долзарб<br>масалалари юзасидан Бош вазирнинг<br>ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама<br>қилиш. |

| Ўзбекистон Республикаси Президенти                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Шу кунгача бўлган ҳолат                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Конституцияга ўзгариш<br>кирилган ҳолати                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
| 93-модданинг 8-банди: 8) Ижро этувчи<br>ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик<br>қилади; республика олий ҳокимият ва<br>бошқарув органларининг баҳамжиҳат<br>ишлашини таъминлайди; вазирликлар,<br>давлат қўмиталари ҳамда давлат<br>бошқарувининг бошқа органларини тузади<br>ва тугатади, шу масалаларга доир<br>фармонларни кейинчалик Ўзбекистон<br>Республикаси Олий Мажлисининг<br>палаталари тасдиғига киритади. | 93-модданинг 8-банди: 8) Республика<br>олий ҳокимияти ва бошқарув<br>органларининг баҳамжиҳат ишлашини<br>таъминлайди; вазирликлар, давлат<br>қўмиталари ҳамда давлат<br>бошқарувининг бошқа органларини<br>тузади ва тугатади, шу масалаларга<br>доир фармонларни кейинчалик<br>Ўзбекистон Республикаси Олий<br>Мажлисининг палаталари тасдиғига<br>киритади. |
| 93-модданинг 12-банди: 12) Ўзбекистон<br>Республикаси Бош прокурори ва унинг<br>ўринбосарларини тайинлайди ва уларни<br>лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу<br>масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий<br>Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади. <sup>53</sup>                                                                                                                                                           | 93-модданинг 12-банди: 12)<br>Ўзбекистон Республикаси Бош<br>прокурори, Ҳисоб палатаси раисини<br>тайинлайди ва уларни лавозимидан<br>озод қилади, кейинчалик бу<br>масалаларни Ўзбекистон<br>Республикаси Олий Мажлисининг<br>Сенати тасдиғига киритади.                                                                                                      |

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Қонун чиқарувчи ҳокимият):  
250 депутат**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
(қуйи) палатаси**

**Қуйи Қонунчилик палатаси**

депутатлари сони 150 та, шундан 135 та депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 та депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосида амалга оширади ва қонунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар қуйидагича:

1. ЎзЛД Партияси 53 (79,5фоиз) депутати мавжуд.
2. ЎзХД Партияси 32 (48фоиз) депутати бор.
3. ЎзМТД Партияси 31 (46,5фоиз) депутати мавжуд.
4. Ўз “Адолат” СД Партияси фракцияси 19 (28,5фоиз) депутати бор.
5. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг 15 (22,5фоиз) депутати мавжуд.

Қонунчилик палатаси умумий депутатлар сонининг 33 нафари (22 фоиз) хотин-қизлардир.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати**

**Сенаторлар сони 100та. Халқ**

депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этади. 84 сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан (яъни, 14 та ҳудуддан 6 кишидан), жами 84 нафар депутат сайланади. 16 сенатор Президент томонидан тайинланади:  $84+16=100$  сенатор.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси, 77-модда.**

Сенат сўзи латинча “Senatus”, “sinex” сўзларидан олинган бўлиб, ўзбекчада “оксокол”, “мўйсафид” деган маъноларни англатади. Сенат аъзоларининг 15 нафари аёллардан иборат (15 фоиз). Олий Мажлис Сенатининг раиси этиб Илгизар Собиров сайланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар

Олий мажлиснинг ваколатларига доир ўзгартишлар  
Олий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади

Ўзбекистон Президенти тақдим этган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққандан кейин 10 кун ичида уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади

Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланади

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимиغا кўра, Президент томонидан тасдиқланади

Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Президент номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми

## **ҲУЛОСА**

Мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири, шубҳасиз, замонавий фикрлайдиган, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етганидир. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркем бўлишига, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортишига олиб келмоқда.

Авваламбор, мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқий вазиятни ҳеч бир бўёқларсиз ўрганиш зарур. Фуқароларимиз Конституция ва янги қонунларни қанчалик билишади, қонунлар самарадорлиги қандай, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари нимада, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг қандай йўллари бор деган ва бошқа саволларга жавоб бериш зарур. Бунинг учун ҳуқуқ социологиясини ривожлантириш зарур. Негаки, ҳуқуқий

ислохотлар тўғрисидаги ижтимоий фикрни ўрганмасдан туриб, ҳуқуқий тарбия ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисидаги давлат Миллий дастурини амалга ошириш мумкин эмас, ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишлари йўналишларини белгилаб олиш қийин бўлади.

Иккинчидан, ҳуқуқшунослар олдида турган вазифалар кўлами шунчалар кенгки, олимларимиз ва амалиётчиларимиз ўз имкониятларини бирлаштирмақликлари лозим. Бундай мувофиқлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида Ўзбекистон Ҳуқуқшунослари уюшмаси бўлиши мумкин.

Учинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ ҳуқуқшунослик фанлари доктори, 300 дан ортиқ фан номзодлари бор. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш Тошкент давлат юридик институтида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида, Ички ишлар вазирлиги академиясида ва бошқа бир қатор ўқув юртларида олиб борилмоқда. Ҳуқуқшуносликнинг турли соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, қонун лойиҳалари ва янги қонунларга шарҳлар ёзиш, оммабоп ҳуқуқий адабиётларни яратишда олимларимиз кучларини бирлаштириш керак.

Бу вазифани ҳуқуқий фанлар бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш бажариши мумкин. Кенгаш ҳуқуқшунослик бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини, илмий-тадқиқот йўналишлари чоп этиладиган ҳуқуқий адабиётларни, ўтказиладиган илмий-амалий анжуманлар режаларини ҳам мувофиқлаштириши керак.

Тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини ташкил этишда, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришда ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бой тарихий-ҳуқуқий меросимизни ўргатиш ва давлат тилини изчиллик билан жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада ҳуқуқий меросимиз ёдгорликларини чоп этиш муҳимдир. Фикримизча, ўзбек ҳуқуқий тилининг изохли луғатини яратиш пайти келди.

Бешинчидан, ҳуқуқий тарбия- бу умумий шахс тарбиясининг узвий ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳуқуқий тарбияни ахлоқий, маънавий, сиёсий, диний, меҳнат тарбиясидан алоҳида олиб бориб бўлмайди. Айни вақтда, ҳуқуқий тарбия устувор вазифалардан бўлиб, у шахс руҳияти, психологияси билан боғлиқ.

Демократик ҳуқуқий давлат Конституция ва қонун устунлиги мутлақ бўлиши зарур. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларни билиши, уларга риоя қилиши, қонунга итоат этиши, уларнинг шахсий эътиқодига айланмоғи керак. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия бўйича давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш – давр талабидир.

Ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар Ўзбекистон фуқароси мустақиллик Қомусимиз- Конституциямизни, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим. Конституциямизни нафақат ўқиш, балки чуқур уқиб олиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шу боис, Конституцияга ҳурмат ҳиссини шакллантириш-ҳуқуқий тарбия борасидаги энг устувор вазифадир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг асосини Конституция руҳини аҳоли онгига сингдириш ташкил этади.

Конституцияни мустақил Ўзбекистоннинг муқаддас қонунига айлантириш-ҳозирги давр тақозосига айланмоғи керак. Ҳар бир диннинг муқаддас китоби бўлгани каби, ҳар бир мустақил давлатнинг муқаддас қонуни – бу унинг Конституцияси бўлмоғи керак. Бу биринчи конституциявий сабоқдир.

Иккинчиси, Конституция моддаларининг бевосита ҳаракатда бўлишини таъминлаш. Конституция бу бевосита амалдаги ҳуқуқ. Унинг ҳар бир қондаси, сўзи ҳамма учун амалий ҳаракатлар дастури бўлиши зарур. Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний бурчидир. Конституция талабларини бажариш, уларга риоя қилиш ҳар биримизнинг

эътиқодимизга айланмоғи лозим. Ана шундагина Конституцияни бевосита ҳаракатдаги қонун деб аташ мумкин бўлади.

Учинчиси, Конституция қабул қилинган кундан қанча узоқлашганимиз сари, унинг салоҳияти ва маҳобати, улуғворлиги ва ҳаётийлиги яққол намоён бўлиб бормокда. Бу эса келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч-қувват бахш этади. Мустақиллик қомусимиз шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак. Чунки, биз ўз истиқлол ва тарққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олдик.

Тўртинчиси, моҳият жиҳатидан Конституция узоқ муддатга мўлжалланган, илмий асосланган ва пишиқ-пухта бўлиши қатъий талаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқларига, истиқлол ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократия ғоялари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига содиқлик, келажак авлод олдида масъулият сезиш, ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тажрибалари анъаналарига таяниш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга муносиб ҳаёт, тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш мақсади билан ғоят аҳамиятлидир.

Бешинчиси, истиқлол Қомусимизнинг тайёрланиши, муҳокама қилиниши, ва изчил ҳаётга татбиқ қилиниши бевосита йўлбошчимиз номи билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи қонуний Президенти Ислом Каримов Конституциямизнинг асосий ташаббускори ва ижодкоридир. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тарққиёт йўлини белгилаб берадиган йўлчи юлдуз-бу мустақиллик Қомусимиздир. Конституция мустақил ватанимиз ва давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш учун заруриятдир.

Ушбу рисола давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланди. Ўтган йигирма йил мобайнида қўлга киритган ютуқ ва

натижаларимизни, халқаро майдондаги нуфузини, олиб бораётган туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг  
20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “ИНСОН  
МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ,  
ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА  
ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР  
” номли маърузасини ўрганиш бўйича**

## **Г Л О С С А Р И Й**

**Асосий қонун** – мазмуни бўйича “Конституция” тушунчасига мос келади. Маълумки Конституция нормалари муайян давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этувчи бошқа барча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган ягона ҳужжат шаклида амал қилади.

**Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар** – инсон ва фуқароларга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондириш учун имконият берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндиси.

**Ахборот ресурслари** – “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

**Ахборот эркинлиги** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

**Босқичма-босқич ўтиш** – ижтимоий ривожланишнинг тадрижий ўзгаришлари, жамият тараққиётининг бир даврдан иккинчисига ўтиш шаклларида бири, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ислохотлар олиб бориш усули.

**Ватанпарварлик** – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат

**Вояга етмаган** – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида 18 ёшга тўлмаган шахс.

**Даромад** – бу ишлаб чиқарилган махсулот нархининг уни ишлаб чиқариш сарф харажатларидан ошиши, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва улар томонидан ўзлаштирилган улуши.

**Гиёҳвандлик** – эйфорик тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатадиган, банги қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва синтетик моддаларга патологик мойил бўлиш.

**Инвестициялар** – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

**Инсон ҳуқуқлари** – инсоннинг эркинликлари, бурч ва мажбурияти билан боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча.

**Иқтисодий мустақиллик** – муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган махсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши

**Иқтисодиётни эркинлаштириш** – давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик

фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига бехуда аралашувини чеклаш

**Конституция** – барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга асосий қонун.

**Конституцион бурч** – Ўзбекистон Республикаси конституциясида белгилаб қўйилган, фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир

**Кучли давлатдан – кучли жамият сари** – Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг Президент Ислон Каримов томонидан асослаб берилган концепцияси

**Комил инсон** – Миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири. Инсондаги комиллик энг аввало, унинг фикр тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидир

**Мафкура** – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими

**Миллий менталитет** – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи.

**Миллий қадриятлар** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакллари

**Миллий ғурур** – шахс ижтимоий гуруҳнинг миллий ўзини-ўзи англаши асосида шаклланадиган, аجدодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, ўз халқининг жахон цивилизациясига қўшган хиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў эътиборидан фахрланиш туйғуси.

**Модернизация** – индустрлаштириш, саноатлаштириш даврида аграг, тарихий ва замонавий жамиятлар тараққиётининг янги босқичга кўтарилишини ифода этувчи ижтимоий жараён

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

**Ратификация** – тасдиқлаш, бирон бир мамлакатнинг олий давлат органи томонидан тасдиқланган халқаро шартнома.

**Рақобат** – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви.

**Сиёсий ҳуқуқлар** – фуқароларга маълум бир давлат конституцияси ва қонунлари асосида бериладиган ҳуқуқлар.

**Сиёсий маданият** – жамият аъзоларининг сиёсий ҳуқ-атворини, жамият ҳаётини барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга қаратилган сиёсий қадриятлар, тасаввурлар ва тушунчалар мажмуи.

**Тадбиркорлик** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

**Тоталитаризм** – жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундиришни талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклланадиган давлат тузуми

**Халқ фаровонлиги** – миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири. Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг олий мақсади – халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

**ЭКОСАН** – экология ва саломатлик халқаро ташкилоти бўлиб, Марказий Осиё минтақасида фаолият юритади. Экология – юнонча “экос” ва “санос” сўзларидан ташкил топган бўлиб экология ва саломатлик маъносини билдиради.

**Юрт тинчлиги** – миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** – Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни. Олий юридик кучга эга бўлган сиёсий ҳуқуқий ҳужжат.

**Ҳуқуқ** – давлат иродасини ифодаладиган ва уни куч билан ҳимоя қиладиган умумий мажбурий нормалар мажмуи (tizими)

**Ҳуқуқий маданият** – инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражаси

**Ҳуқуқий онг** – амалдаги ҳуқуқни намоён қилувчи ҳуқуқ назариясида ижтимоий онгнинг шакли, қарашлар ва хис туйғуларининг мажмуи. Мавжуд ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тушунча ва категорияларда баҳолаш, шунингдек, исталаётган ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг  
20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “ИНСОН  
МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ,  
ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА  
ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР” номли  
маърузасини ўрганиш бўйича**

**ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

## ФСМУ технологияси

ФСМУ технологияси қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг



С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

ФСМУ учун қўйиладиган савол: “Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишида Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти қандай”


| Савол                                                 | “Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишида Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти қандай” |
|-------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг                            |                                                                                                     |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг                 |                                                                                                     |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг |                                                                                                     |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг                         |                                                                                                     |

## «Нима учун?» техникаси



### “Балиқ скелети” техникаси

“Балиқ скелети” техникаси “Нима учун бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ўрнига айрим маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик ҳолатлари учраб турибди?” саволига жавоб берилади. Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса муаммоларни тасдиқловчи далиллар ёзилади.



### “Биламан, билмоқчиман, билдим” жадвалини тўлдириш.

| Биламан | Билмоқчиман | Билдим |
|---------|-------------|--------|
|         |             |        |
|         |             |        |

### Б/Б/Б ни тўлдириш қондаси

- мавзу бўйича тадқиқот ўтказиш имконини беради
  - Фикрлашни шакллантиради
  - Янги мавзунини ўрганишда кириш қисмида 1 ва 2 жадвал қисми тўлдирилади
- Мавзу якунида жадвалнинг 3 қисми тўлдирилади.

## «Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизimini ишлаб чиқишга кўмак беради:  
Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини  
фаоллаштириш.

